

# Тошкент

## Оқшомми

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 163 (11.474)

Баҳоси эркин нарҳда

### Оқсаройда қабул

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 18 август кунни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий Қўмондонлиги қўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларни янада ривожлантиришга муҳим аҳамият беришини ҳамда ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқли шериклик тамойиллари асосида икки ва кўп томонлама самарали ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш ишларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз ҳудуди орқали Афғонистонга ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиб берилмоқда.

Д.Петреус самийий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди ва АҚШнинг ҳозирги маъмурияти Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. У шунингдек, Афғонистонда барқарорликни мустаҳкамлаш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга Ўзбекистон муҳим ҳисса қўшаётганини қайд этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг истиқболига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонланиши муносабати билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи номига кўплаб хорижий мамлакатларнинг нуфузли давлат арбоблари, сиёсатчилари, ижтимоий ва иқтисодий доиралари вакиллари билан кўтловлар келмоқда.**

### БАЙРАМ ТАБРИКЛАРИ

**Жумладан, Кортрейк шаҳри (Бельгия) бургомистри Л.Либеернинг табриғида шундай дейилади:**

— Кортрейк ва Ўзбекистон пойтахти Тошкент ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Шаҳарларимизнинг ишбилармон доиралари ўртасида ҳам алоқалар мавжуд. Ўзбекистон ва Кортрейк шаҳри Савдо-саноат палаталари ўртасида учрашувлар ўтказиб турилади, бизнинг бир неча компанияларимиз сизнинг мамлакатингиз ишбилармон доиралари билан яқин алоқалар ўрнатган. Умид қиламанки, яқин келажда биз Ўзбекистоннинг жамоатчилиги, маданияти ва ишбилармон доиралари билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаймиз. Ўзбекистон халқини мамлакатингиз мустақиллигининг 18 йиллиги, шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан табриклаганга изҳозат бергайсиз. Ўртингизга янада равнақ тилайман, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда янгида янги юқори кўрсаткичларга эришишингизга тилақдошман. Аминманки, бизнинг муносабатларимиз бундан буён ҳам мустаҳкамланиш ва кенгайишда давом этаверади.

**Лондон Вестминстер университети қошидаги Дипломатия академияси директори, профессор Набиля Айд:**

— Ўзбекистонга бир неча бор сафарим чоғида юртингиз ва унинг меҳмондўст халқи ҳақида бир олам таассурот олдим. Шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университетининг фахрий доктори унвонини олиш шарафига лойиқ топилдим. Бундан ташқари, Лондондаги ушбу академияда кўплаб ўзбек дипломатларига дарс бериш ва Тошкентда маърузалар ўқиш бахтига сазовор бўлдим. Тошкентда Халқаро Вестминстер университети филиалини тузишда иштирок этдим.

Имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан самийий табриклайман.

Ўзбекистон Президентини Ислон Каримовнинг мамлакатда барқарорликни, суверенитетни ва ўзбек давлатчилигининг ҳудудий ахлислигини таъминлашдаги улкан ҳиссаси, шунингдек, давлат раҳбарининг хавфсизликни таъминлаш борасида минтақа миқёсида ва минтақа сарҳадларидан ташқарида тугган ўрнини алоҳида қайд этмоқ лозим.

Президент Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни барқарор этишни йўллари ва чоралари» китоби менда катта таассурот қолдирди.

Президентнинг вазиятни чуқур англаши ва дунёнинг деярли барча мамлакатларига таъсир этган жиддий муаммоларни ҳал этишда узоқни кўра билиши туфайли, у жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини камайтирган ҳамда унинг оқибатларини юмшатган комплекс чоратadbirlарни қўллашга эришди.

(Давоми 2-бетда).



### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Қўшма корхоналарда

### ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАГИЧЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Айни пайтда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «ELEKTRON XISOBLAGICH» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида ана шундай аниқ ҳисоб-китобни кўрсатуви ва тежамкорликда муҳим аҳамият касб этувчи замонавий электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқарилмоқда, улар европа стандартлари талабларига тўла жавоб бериб, четдан келтириладиган маҳсулот ўрнини босиши билан ажралиб туради.

2004 йилда ташкил этилган корхонада айни пайтда 65 нафар малакали мутахассис меҳнат қўлмоқда. Унинг таъсисчилари «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзэнергоасолаш» унитар корхонаси ҳамда «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари, Хитой томонидан эса «Hangzhou Zhongwu Electron Meters Company Limited» компаниясидир.

Корхонада иш бошлагандан буён 4 типдаги, яъни DDS 28, DDS 28u, DDS 28x, EX 28-русумли бир фазали ва 4 типдаги — DTS 541/DSS 531 ҳамда EX 541/EX 531 русумли уч фазали электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқарилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўтган фаолиятлари мобайнида 1 миллион донга бир фазали ҳамда 30 мингта 3 фазали электрон ҳисоблагичлар тайёрлашга муваффақ бўлинди. Мазкур ҳисоблагичларнинг афзал томони шундаки, аниқ ўлчовни амалга оширади, IEC 61036 халқаро стандарт талабларига жавоб беради.

Электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш баробарида корхонада электр энергияси сарфини ҳисобга олувчи замонавий автоматлаштирилган АСКУЭ тизими лойиҳаси ўзбек ва хитой-

Халқимизда «Ҳисобли дўст айрилмас» деган ажойиб нақл бор. Албатта, ҳар бир насада ҳисоб-китобнинг бекаму кўст бўлгани яхши. Айниқса, бебаҳо ресурсларимиздан бири бўлган электр энергияси тежамкорлигига эришишда, унинг қадрига етишда аниқ ҳисобнинг, фойдаланганига яраша ҳақ тўлашнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Жорий йилда 200 мингта ишлаб чиқилиб, кўплаб объектларда жорий этиляпти. Бу эса электр энергияси тежамкорлигида, истеъмолчиларнинг ишлатилган электр энергияси учун вақтида ва аниқ ҳисоб-китоб қилишларида яхши самара бермоқда, қарздорликни ундиришда ҳам қўл келади. Менежментини яхшилаш ва тайёрланаётган маҳсулот рақобатбардорлигини ошириш мақсадида қўшма корхонада ISO:9001 сифат менежментини тизимга жорий этиш бўйича ишлар олиб борилаётгани ҳам изланишлардан яққол далолатдир.

Корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида янги технология жижозлар келтирилиб ўрнатилди. Хитойдан олиб келинган мазкур дастгоҳ қувватидан унумли фойдаланган ҳолда ҳисоблагичларнинг корпуслари ишлаб чиқарилади. Айни пайтда эса ҳисоблагичларнинг коробчалари учун клем қопқоқлар тайёрланмоқда ва бутловчи қисмлар тайёрланишининг ўзлаштирилиши, албатта корхона ва люта маблағларини тежашда муҳим аҳамият касб этади. Келгусида 40 фоиз бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Шунинг баробарида чет элдан харидорларни жалб этган ҳолда экспортни йўлга қўйиш савий-ҳаракати ҳам бошланган.

Шуни қўшимча қилиш керакки, маҳаллийлаштириш дастури асосида янги технология жижозлар келтирилиб ўрнатилди. Хитойдан олиб келинган мазкур дастгоҳ қувватидан унумли фойдаланган ҳолда ҳисоблагичларнинг корпуслари ишлаб чиқарилади. Айни пайтда эса ҳисоблагичларнинг коробчалари учун клем қопқоқлар тайёрланмоқда ва бутловчи қисмлар тайёрланишининг ўзлаштирилиши, албатта корхона ва люта маблағларини тежашда муҳим аҳамият касб этади. Келгусида 40 фоиз бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Шунинг баробарида чет элдан харидорларни жалб этган ҳолда экспортни йўлга қўйиш савий-ҳаракати ҳам бошланган.

Жорий йилда 200 мингта ишлаб чиқилиб, кўплаб объектларда жорий этиляпти. Бу эса электр энергияси тежамкорлигида, истеъмолчиларнинг ишлатилган электр энергияси учун вақтида ва аниқ ҳисоб-китоб қилишларида яхши самара бермоқда, қарздорликни ундиришда ҳам қўл келади. Менежментини яхшилаш ва тайёрланаётган маҳсулот рақобатбардорлигини ошириш мақсадида қўшма корхонада ISO:9001 сифат менежментини тизимга жорий этиш бўйича ишлар олиб борилаётгани ҳам изланишлардан яққол далолатдир.

Корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида янги технология жижозлар келтирилиб ўрнатилди. Хитойдан олиб келинган мазкур дастгоҳ қувватидан унумли фойдаланган ҳолда ҳисоблагичларнинг корпуслари ишлаб чиқарилади. Айни пайтда эса ҳисоблагичларнинг коробчалари учун клем қопқоқлар тайёрланмоқда ва бутловчи қисмлар тайёрланишининг ўзлаштирилиши, албатта корхона ва люта маблағларини тежашда муҳим аҳамият касб этади. Келгусида 40 фоиз бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Шунинг баробарида чет элдан харидорларни жалб этган ҳолда экспортни йўлга қўйиш савий-ҳаракати ҳам бошланган.

Шуни қўшимча қилиш керакки, маҳаллийлаштириш дастури асосида янги технология жижозлар келтирилиб ўрнатилди. Хитойдан олиб келинган мазкур дастгоҳ қувватидан унумли фойдаланган ҳолда ҳисоблагичларнинг корпуслари ишлаб чиқарилади. Айни пайтда эса ҳисоблагичларнинг коробчалари учун клем қопқоқлар тайёрланмоқда ва бутловчи қисмлар тайёрланишининг ўзлаштирилиши, албатта корхона ва люта маблағларини тежашда муҳим аҳамият касб этади. Келгусида 40 фоиз бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Шунинг баробарида чет элдан харидорларни жалб этган ҳолда экспортни йўлга қўйиш савий-ҳаракати ҳам бошланган.

### МАМЛАКАТИМИЗДА

«Ўзэкспомарказ» павильонларида кеча Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматларнинг «EXPO.UZ – 2009» кўргазмаси очилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ташкил этди. Кўргазма қатнашчилари уч кун давомида бозор талаб ва эҳтиёжлари билан танишиш, истеъмолчилар билан ҳамкорлик юзасидан музокаралар ўтказиш, савдо шартномалари тузиш имконига эга бўладилар.

Энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида Самарқанд шаҳрида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркалари иш бошлади. Шаҳар марказида очилган ярмаркада Самарқанд тумани боғбон ва соҳибкорлари томонидан етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари бозордагидан анча арзон нарҳларда сотилмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилган ишлар ва янги ўқув йилидаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Марказий ҳарбий округи «Фориш» дала-ўқув марказида Мудофаа вазирлигининг ўқув юртлари жамоалари ўртасида ўтказилаётган биринчи ёзги олимпиада мусобақалари бошланди. Ҳарбий спортчилар ёзги олимпиада ўйинлари дастурига киритилган 13 йўналиш бўйича ўзаро баҳс олиб бормоқда. Олимпиада дастурига тактик ва техник тайёргарлик, мерганлик бўйича назарий ва амалий машқлардан ташқари ҳарбийлар хизмат фаолиятига уйғунлаштирилган эстафета узатиш, биатлон, бокс, сузиш, турникда тортилиш, стол тенниси мусобақалари ҳам киритилган.

Оролбўйининг чекка овулларида ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Амударё туманидаги «Қиличбой» овул фуқаролар йиғини ҳудудида уч километр масофага водопровод қувири ўтказилиб, «Беш том» аҳоли пунктида яшовчи 130 хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди. Кегейли туманидаги «Кўкше ели» овул фуқаролар йиғини ҳудудида ер ости сувини чучуклан-тириб берадиган замонавий иншоот ишга туширилди. «Қорақалпоқ қишлоқ хўжалик газ тармоғи қурилиши» бошқармаси томонидан бунёд этилган бу иншоотта замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди.

### ЖАҲОНДА

Эртага Афғонистонда президентлик сайлови ўтказилади.

Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинажот парламентга ҳукуматнинг янги таркибини тақдим этади.

Сурия ва Ироқ стратегик ҳамкорлик бўйича икки томонлама кенгаш тузилди.

Афғонистоннинг Қобул шаҳрида жойлашган президент қароргоҳи миномётлардан ўққа тутилди. Мазкур кўпуровчилик ҳаракати «Толибон» жангарилар гуруҳи томонидан амалга оширилган бўлиб, қароргоҳга жиддий талафот етганини ҳисобга олмаганда, босқинчилик ҳаракати оқибатида ҳеч ким жабрланмаган.

Россия Федерацияси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг таъкидлашича, ҳамон Саяан-Шуэн ГЭСидagi авария сабаблари маълум эмас ва бу ерда қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда. Ҳозиргача 12 кишининг ҳалок бўлганлиги ва 64 кишининг бедарак йўқолганлиги айтилмоқда. Шу муносабат билан буюр Жаҳонияда мотам кунини қилинди.

Франциянинг Бретани шаҳрида эгизакларнинг халқаро фестивали бошланди. Унда жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган юздан ортиқ эгизаклар иштирок этмоқда. Танлов давомида ҳакамлар ҳайъати томонидан энг ўшаш эгизаклар аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

КХДР Жанубий корейлик сайёҳлар учун ўз чегарасини очди.

Токио университетининг табиий фанлар бўйича бир гуруҳ олимлари ва «Otsuka Holdings» компанияси вакиллари тушган тиш ўрнида янги тиш ўстириш мумкинлигини исботлашди. Тажриба муваффақияти репродуктив тиббиёт соҳасида янги имкониятлар эшигини очини, шубҳасиз. Токиода чоп этиладиган барча газеталарда қайд этилишича, профессор Такаси Цудзи бошчилигидаги мутахассислар бу тажрибани сичқонда синаб кўрдилар ва синовлар муваффақиятли ўтди.

Покистон шимолида юк автомашинасига ўрнатилган минининг портлаши натижасида 7 киши ҳаётдан кўз юмди, 15 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ушбу хунрезликни «Толибон» жангарилар ҳаракати ўз зиммасига олган.

Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган савдолар чоғида нефть нархининг сезиларли даражада ошганлиги кузатилди.

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон сабзавот, картошкачилик ва полиз экинлари илмий-тадқиқот институтида олимлар иштирокида уюштирилган йиғилишда ёш тадқиқотчилар ташаббуси билан

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига туҳфа сифатида қишлоқ хўжалиги ва полиз экинларининг янги турлари яратилганлиги маълум қилинди.

МИРЗО Улугбек туманида КЕЧА «Мустақиллик эркин дунёқараш ва эркин тафаккурга суяниб яшаш кафолатидир» мавзусида юртимиз Истиқлолнинг 18 йиллигига бағишлаб ўтказилган маъна-

вий-маърифий тадбир Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Республика Миллий тикланиш демократик партиясининг Мирзо Улугбек туман Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилди.

Дунё харитасида янги мустақил давлат пайдо бўлганига 18 йил тўляпти. Ун саккиз йиллик мустақиллик тажрибасига эга бўлган мамлакатимиз жаҳон давлатлари ўртасида муносиб ўрин эгаллай олди. Бизни дунё таниди, биз эса дунёни. Юртбошимизнинг бир оғиз сўзи ила таъриф берганимизда: «Мустақил ўзбек давлати халқимизнинг тарихий ютуғидир».



# ВАТАН САЖДАГОХ КАБИ МУҚАДДАС

Мустақиллик — эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб, мустақил салоҳиятга эга ҳолда ўз тақдирини ўзи белгилаш, умуминсоний қадриятларга эътибор, ана шу мезонлар асосида яшаш демократия.

Янги биланми, ҳеч бир инсон эътиқодсиз, имонсиз яшай олмайди. Инсон қалбида ўз киндик қони тўқилган жойга нисбатан ватанпарварлик туйғуси шаклланиб боради. Бу туйғу эса шахсни маънавий юксакликка, фидойилликка, Ватанни севишга, Ватан учун керак бўлса жонини тикишга чорлайди. Юртбошимизнинг «Ватан саждагоҳи каби муқаддас» деган улғу каломини бугун ҳаётимизга шу қадар сингиб кетдики, ҳаётимизда она юрт тимсолига айланган.

Буюк шоир Алишер Навоий: **Ватан таркини бир нафас айлама, Яна ранжи гурбат ҳавас айлама,** деганларида, бу сўзлар замирида олам-олам маъно яширинганини энди-энди мағзини чақаётгандек бўлапти.

Неки, бир пайтлари, чор Россияси ва шўролар даврида таъкиб ва таъқиқ остида Ватанимиз тарқ этган юртдошларимиз мустақилликка эришиб, дарвозалар очилган, бирин-кетин она Ватанга келиб юрт тупроғини тавоф айладилар. Эсимда, аэропортда илк бор ҳаждан келаётганларни кутиб олаётганимизда чет эллик бир ҳамюртимиз самолётдан тушган, ерга тиз чўкиб, Ватанимизнинг бир сиким тупроғини кўзларига тўтиб айлаб, шукроналар айтган, мустақиллигимиз абадий бўлсин, дея кўзларига секин-секин ёшларини олган эди. Бу ҳолни тушунмоқ керак. Тушунмиш учун имон, эътиқод, Ватан туйғуси керак. Дарвоқе, шоир айтганидек:

**Юртлар кездим, излаб ҳузур-халоват, Турфа олам, турфа тил, турфа одат. Топмадим ҳеч бирдан бир онийлик саодат, Ватан сендан олмасдан топангларим армон бўлди, Бир парча тупроғингда жумлаи жаҳон ўлди.**

Бир эсланг, собиқ мустақил тузум даврида ҳўкмон бўлган «коммунистик» мафкура одамларимиз онгадига Ватан тушунчасини эўрлик билан ўзгартирмоқчи, унга бутунлай бошқача моҳият сингдирмоқчи бўлдилар. Бу иш шу даражага бориб етдики, «Ўзбекистон — Ватаним маним» дейиш миллатчиликка бориб тақалди.

Шукрлар бўлсинки, фақат мустақиллик туфайлигина биз баралла «Ўзбекистон — Ватаним маним» дейишга қодир бўлдик.

Биласиз, Ватан сўзи арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини англатади. Навоий бобомиз эса Ватан тушунчасини туғилиб ўсган жой, манзил маъноларига қўлланган. Абдулла Авлоний айтганларидек, «Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар, мамлакатга Ватан дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган юртини жонидан ортқ севади. Биз туркистонликлар ўз Ватанимизни жонимиздан ортқ суйганимиз каби, араблар Арабистонни, қумлик, иссиқ чўллари, эскимослар шимол тарафларни, энг совуқ қор ва музлик ерларни бошқа ерлардан зиёда севадилар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тирикликку осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди».

Саҳроий Кабирда бадавильлар яшашади. Бу қум барханларидан иборат саҳрода гиёҳ унмайди. Бироқ бадавильлар ана шу заминни ўзлари учун муқаддас деб биладилар. Чунки саҳро улар учун Ватандур.

Шу ўринда қалбимга ифтихор туйғуларини сочиб, ҳамкасбим Ойбуви Очилованинг қуйидаги сатрлари ёдга тушаверади: «...Ватан саҳроингда унган янтоқ ҳам, кечиб кетолмайди сенинг меҳрингдан. Илдизларни отиб бағринг тўрига чўли биёбонни айлайди макон. Дашту ёвонингда жилвосиз шамол минг бир тўфонларга этсада дучор, янтоқ баҳорда кўклайверади, пушти гуллар айтиб шаънингда ашўр. Баски, баски мен болангман, битта тирноғинг, биттагина заранг, битта урвоғинг, жону таним пайванд шу ер, шу кўкка. Аждодларим ётар кўксингда ухлаб, болам улғаяди бағрингда ўйнаб. Сурурлардан тўлган ҳайратим ўзинг, ҳар нелардан ноёб шавкатим ўзинг. Баҳоринг меники, кўзинг меники, чаплар уриб гулга кирган болғоринг, сувга тўла анҳоринг, кўлинг меники. Борингда суяман қурбонлар бўлиб, ўзингдан кўрганим меҳрдан тўлиб. Бу ҳисни туймаган кўнгили бегона. Ахир Ватан битта дунёда...»

Ҳа, Ватанимиз энг олий неъмат сингари бошимиз узра баланд кўтариб, ҳар он, ҳар сонияда унинг тупроғини кўзларга суртиб, унга таъзим баҳо айлашлик бизнинг фарзандлик бурчимиздир. Хадису шарифда «Ватанимиз севмоқ иймондан дир» дейилади. Шарҳи шундай: ҳар бир иймони бут, виждо, ни пок инсон ўз ватанини севади, уни ганимлардан асрайди, унинг гуллаб-яшнаши учун меҳнат қилади, курашади, керак бўлса жон фидо айлайди...

Ватан туйғуси инсонга она алласи, боболар ўғити, ота ибрати, оила тарбияси, устоз-мураббийлар таълими ила сингади. Бу ўринда Мавлоно Фузूलий шундай дейди: «Менинг битта ҳаётим бор, борди-ю, мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлардим».

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилаётган фидойи инсонларимиз ҳам «Ватан мен учун нима берди эмас, балки мен Ватан учун нима қилдим?» — деган фикр билан ёниб яшаётганликлари қалбларга фаҳр-ифтихор туйғуларини бахшида этади. Зеро, Ватанимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлаш, унинг довруғини оламга ёйиш, шукратига шукрат қўиш, Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачиғидек авайлаб-асраш, Ватан ҳимояси учун ҳар доим тайёр турмоқ қалбида Ватан туйғуси бўлган, ҳар бир ватанпарвар инсоннинг масъулияти ва шарафли ишидир. Чунки бу азиз Ватан тупроғида улғу аждодларимизнинг табаррук ҳоқи-пойлари ётибди. Шоир айтганидек:

**Ўзбегим-Ўзбегим, англа ўзлингни, Борлигингни энди айлагин аён. Бу тупроқ сеники, бу юрт сеники, Сеники, мавжланган бу ёруғ осмон.**

Ҳа, биз ҳадемай ана шу азиз тупроқнинг тобеликдан озод бўлиб, эмин-эркин нафас олганлигининг 18 йиллигини нишонлаймиш. Инсоният ихтимони ҳаётини байрамларисиз тасаввур этолмайди. Шу жумладан Ўзбеклар ҳам. Зотан, тилшунос бобомиз айтганлар: «Байрам халқнинг шодлик ва хурсандчилик кунин». Бу улғу ва азиз кун биз учун Мустақиллик кунин, Энг улғу, энг азиз байрамдир!

Тўхтамурод ТОШЕВ

**Шу оқшом Иброҳим яна умр йўлдоши Кароматхон билан шаҳар айлангани чиқди. Бир-бирдан ширин неваралари — Муниса билан Сардор қанотлари остида. Атроф ёп-ёруғ. Ҳазират ўзи завқлиб, фахрлиниб қўйди Иброҳим.. Ана шу йўлага кўчаларни, кенг ҳибонлар-у гузарларни ёритиб турган чироқларнинг ёниб туришида ўзининг ҳам озми кўпми ҳиссаси бор-ку ахир?.. Умрининг қарий ярминини шу касб — энергетикликда ўтказиб келаётир. Нурчи деган номи ҳалол ва фидокорона ўтаб келаётир. Ҳозир у шу чироқлардан нигоҳини узолмай турбди...**

Завқ-шавққа тўла Иброҳим қайси-дир китобда ўқиганларини эслади: «...Тошкент мен учун қўл етмас бир юксакликдаги афсонавий шаҳар». Шундай афсонавий шаҳарда яшаётгани билан гурурланиб қўйди. Ўзига ўзи савол беради. Ўзимиз яшаётган шаҳар тарихини биламизми? О, унинг тарихи неча-неча асрлар қарғига бориб тақалади, бироқ ҳали кўп нарсани билмаймиш, бироқ ундан хабардор бўлишимиз шарт?! Шаҳримиз қачон «туғилган» ва қандай «туғилган» — бунини ҳамма билгиси келади. Тарих ҳар доим ҳам ҳасислик қилиб келган, ҳадеганда «сир-асрор»ни ошқора қилавермайди. Нима учун Тошкент ўз Парфенони, ўз Акрополи ва қадимий Кремли билан мактана олмас экан?.. Ахир, Шоштепа, Мингўрик, Оқтепа, Хонобод ва бошқа тепалик, қўрғонлар «тил»га кириб, Мингўрик шаҳарча «Чоч Мадинаси» деб бежиз тилга олинмаган-ку?!

Асрлар синовидадан ўтиб, оҳанрабо-си, ўзгача ва бошқа «сеҳри» билан одамларни ўзига ром этаётган бу она шаҳарга кимлар интилмаган?

Шоир минг бор ҳақ эди ушбу сатрларни биттанда:

**Умрида ким келса бир бор бу ерга,**

**Қалбига экади Тошкентнинг меҳрини..**

Шу пайт Иброҳим турмуш ўртоғини неваралари билан шаҳар ҳибонларини айланаётганини унутмади, ғўжон-ғўжон хаёллар уни олис-олисларга етаклаб кетган эди. Бугун бутун дунё нигоҳи сенига қаратилган, эй, она шаҳрим, кўнра тарихингдан ва бугунингдан сўйла, аниқ далиллар-у ишботлар ила сўйла, ахир, асрлар қаёридан сени излайман, илоҳим, олтин бошинг омон бўлсин. Бу бошингдан не-не ёруғу пага-пага қора булутли кунлар ўтмади. Ачиниш ила буларнинг ҳамма-хаммасини бирма-бир билгим келади ва фақат, менгина эмас?! Етти ёшдан етмиш ёшгача барча юртдошларим ҳам билгиси келади?! Емонликлар даф бўлиб, орзуларинг ушлай, ёруғлиқа чинқинг, бу, албатта, осон кенчамгани ҳар бирини ордан ҳис этиб турибмиш!.. Қани энди «Авесто»дан тортиб, барча солномалар ва ёдноамалар ҳикоясини эринмай тингласам, дейман. Эшитганим бор, қадимий марказинг Канка, деб аталган экан. Кейин баъзи манбалардан сени турли даврларда турлича номлар билан аташганини ҳам билди олдим. Хитой солномаларида ёзиллишча, номинг Чэжэчи, Чэжэши ёки Ши, деб қайд этилган. Учинчи асрда мустақил давлат сифатида ташкил топган Чоч кейинчалик — бешинчи ва еттинчи асрларга келиб, гуллаб-яшнаганини билди, кўнглим анча кўтарилди. Сўнг Сени Бинкент деб аташди... Сени қандай номлар билан аташмасин биз учун азизсан, қадрлисан, она шаҳрим Тошкентим!..

Ўтда ёнас, сувда чўкмас ўзингсан, жаҳоннинг беағи ўзингсан пойтхатим!.. Ахир, қанча-қанча дўзах азобларидан бутун чинқинг. Баъзан ўтмишингни эсласам, эвоҳ, кўз ўнгимда бўлади, қул бўлган аянчилик ва даҳшатли оғирлигинг, таҳрирланган оналару ўрланган болалар, кўча-кўйларда дорға осилган беғуноҳ авлоду аждодларимизнинг жасадлари намоеён бўлади, қасоскорларнинг газабнок овозлари, қийқириқлари қулогим остида янграгандек туюлади. Шунда аччиқ алам юрагимни кемиради. Ёвуз

ва қонхўр истилочию босқинчиларнинг бошлаб адабини берганингни ўйласам, сенинг бардошингга, матонатингга, темир иродангга, мардлик ва жасоратингга, «Бали, койил, офаринлар бўлсин!» дейман.

Кувончдан бутун оламга жар солгим келади!..

Чиндан ҳам шонли солноманг шавқатли қахрамонлиқларга бой!.. Ҳар бир кунинг, ҳар бир онинг турли-турман воқеаларга тўла!..

Эҳ-хе, ҳали ўрганлмаган қирраларинг, очилмаган сир-синоатларинг қанчадан-қанча?

Кимдир: — Тошкент ўз Акрополи ёки қадимий Кремли билан мактанолмайди, — деганда, афсуски, ноҳақ эди. Ҳар қанча мактанасак арзигулик гўшаларимизни санаб санонига етолмайсиз. Юнусобод ё Кўнра, Қўйтапта ё Чоштепа қайси бирдан катма? Чочнинг араблар томонидан Мингшаҳар мамлакатини, деб аталлишига нима дейсиз?!

Бой тарихимизни билмай туриб тилларига юқоридагидек эрк бериб юборишавради?!.

Бир мисол. Ҳозирги Қорақамиш аҳли биз истиқомат қилаётган манзилгоҳда ибтидоий тош асри овчилари яшаган экан, деб фахрланишса, Шоштепа «тил»га киргач, бу ерликлар энг қадимий қишлоқ харобаси топилганидан хабар топиб, бошлари осмонга етганини кўрсангиз эди!..

нурга тўйинган кўчаларингдан ҳар ўтганимда яқин-яқинлардагина қора жинчирокқа зор халқим бугун нур кўйнидалигини кўриб, кеҳсиз қувонаман. Нурчи қасбини эъзозлаб келаватгани билан фахрлиниб қўйди. Ахир ўтган аср бошларида Тошкент кўчалари керосин лампалари билан ёритилгани ҳеч кимга сир эмаску!..

Иброҳим ана шулар ҳақида ўйлар экан, невараларини бағрига босиб, бахтли, саодатли замонада яшаётганларига шукроналар айтади.

Шу пайтда истироҳат боғидан ёқимли қўшиқ янгради. Улар қуй таралаётган томон юриб кетишди. Сўлим боғ каттаю кичик билан гавжум. Қорасоч, қуралай кўз, қайрилма қош дилбар қизларимиз боққа кириб келишигидеги хоризлик меҳмонлар тошдай қоти-ю қолди.

— Оббо, қизларимизга кўз тегадиган бўлди-ку, — деди кимдир жони ачиб. Ёнидаги шериги бўлса, бамайлихотир:

— Эй, тошкентлик қизларнинг қирқта жони бор, уларга кўз тегамайди. Аллоҳим уларни ёмон кўзлардан асрагин, — дея аста жўлмайиб қўйди.

Шу пайт яна гап ўйини давом этди. — Юлдузи иссиқ пойтхат қизлари тонтоғ чоғида эндигина гунаҳси очилиб, нафис япроқларига шабнам кўнган гўлдек гўзал, латиф ва жозибали, — деди аллақим жўшиб-тошиб. Унга яна кимдир қўшимча қилди:

— Ҳар кимки ўзига, ой қуринар қўзига!

Қаҳқаҳа кўтарилди!.. Қизлардан кейин кўзларни ўйнатиб, бири-бирдан

ёқимли келин-куёвлар кириб келишди — ҳаммининг нигоҳи уша томонда, буларни Тошқанд ёшлари, дейдилар?!.. Ана нуруний чол-у кампирлар ҳам невараларини етаклаб, ўйингоҳ томон йўл олишмоқда, улар орасида Иброҳим билан Кароматхонлар ҳам ширинтойларни қўлларини ушлаганча уша томон олишмоқда.

Бу тиниб-тиничмас пойтхатликлар мунчама шўх-шодон, ўйинқароқ бўлишмаса? «Чирс-чирс» этиб, фотоаппаратлар ишга тушиб кетди: чет эллик меҳмонларга бир умрга яхшигина эсдалик!.. Энди кетди деяверинг, тошкентликлар сурати ҳақон бўйлаб!.. Она-шаҳримизда бир бора бўлган одам унинг шайдоиси ошики бекорор бўлиб қолиши, шубҳасиз!.. Буни Тошкент, дейдилар, бунини Тошкент, дейдилар!..

Ҳаммани лол қолдирган шаҳар — машҳур ҳинд фарзанди Раж Капур ўз қувончини яширолмади: «Тошкент ҳамиша очикқўнглиги ва меҳмоннавозлиги билан ақраблиб туради» деса, француз ёзувчиси Эрвэ Жазон эса «Биз кўрган Тошкент — жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бири», дея ҳақ гапини айтган эди...

Шу пайт Иброҳим буюк француз ёзувчиси Жюль Верннинг «Клодиус Бомбарнак» романини эслади. «...Эски Тошкент Туркистоннинг бошқа шаҳарлари сингари тор ва кингир-қийшик жинқўчалар, дидсизлик билан қурилган паҳса уйлар, қўримси бозорлар, қуйдирилмасдан офтобда қуртилган ва «сомон» деб аталувчи гиштдан тикланган қарвонасаройлар, шунингдек, бир неча масжид ва мактаблардан иборат...» Қадимий Тошкент фикривасити шу таразда ифодалаган эди. Агар, ўйларди Иброҳим, бугунги Тошкенти азимни ўша Жюль Верн кўрганга борми, бутунлай бошқа роман ёзган бўлармики?!

Унинг фикри-хаёлини яна шўх қўшиқ бўлди...Олтин узунинг ёқут қўзғуси, ичинг ташингдек гўя гўзал она шаҳрим, тарихинг қайта тирилиб, кўп нарсаларни ёдига солди, дерди Иброҳим. Шарқнинг ёруғ дарвозаси бўлиб, дунё турғунча тур, Истиклол бўлуғидан қониб-қониб сув ичиб, қўрқу салобатинг ошаверсин, йўлинг ҳамиша оқ, йўлдошинг ҳақ бўлаверсин, жаҳоннинг беағи ўзингсан, эй она шаҳрим!..

Эй, азиз меҳмоним, қулар юз, илик сўзини фақат Тошкентдангина топансан!..

Эй азиз она шаҳрим, бошимни қўйсам остоналарингга... Шоир айтганидек:

**Тинчилик деган жойда Тошкент руҳи бор,**

**Тошкент деган жойда осойиш сўзи!..**

**Миршароф МУҲСИМОВ,**

**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

# БАЙРАМ ТАБРИКЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда Президент Ислам Каримовнинг таълим соҳасида ислохотлар ҳамда илмий тадқиқотларни ўтказишда эришган ютуқлари ҳамда гамжўрлигини алоҳида қайд этишни истардим. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва умумбашарий илмий жараёнга таъсир этган буюк ўзбек олимларининг ишларини давом эттириш каби масалалар унинг асосий вазифалари сирасига қиради.

**И.М. Губкин номидаги Россия Давлат нефть ва газ университети ректори, профессор Виктор Мартинов:**

— Университетимизнинг Ўзбекистон билан ўзаро муносабатлари доимо ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш тамойилларига асосланган. Биз аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда, яъни, мамлакат фаровонлиги, унинг sanoatlashган тараққиёти, хусусан, Ўзбекистоннинг нефть ва газ sanoati равнақи йўлида биргаликда фаолроқ юришамиз.

Олий ўқув юртимизнинг муҳим вазифаларидан бири, Ўзбекистоннинг етакчи sanoat тармоқларидан бири — нефть ва газ sanoati учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Сўнгги йилларда ҳамкорлигимиз янги ривожланиш босқичига кўтарилди. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан бизнинг университетимиз Тошкент шаҳрида ўз филиалини очди. Ҳозирда у ерда 240 нафар йиғит-қиз бешта мутахассислик йўлига тахсил олмақда.

Мамлакатнинг барча аҳолисини дунёнинг энг кўнра ва машҳур маданият ўчоқларидан бири саналган пойтхат — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи билан самимий муборакбод этаман.

Ўзбекистон жаҳон маънавий ҳаётининг хазинаси ҳисобланади. Табаррук Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан машҳур донишмандлар, табиблар ва астрономлар дунё илм-фани ва маданияти ривожига ўзларининг беназир ҳиссаларини қўшганлар. Университетимизнинг Тошкентдаги филиали ҳақида гап кетганда шуни таъкидлашни истардимки, унда тахсил олаётган ўзбек талабалари юксак даражадаги билимга эга бўлиб, мақсадга интилувчанлиги, янгиликка ташналиги, жамятга наф келтириш борасидаги хайрхоҳлиги, давлатнинг келгуси тараққиётига муносиб ҳисса қўишига бўлган хоҳиши билан бошқа юртдаги тенгдошларидан ажралиб туради.

Яқинлашиб келаётган қўлғу байрамлар — Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги шодиёналари билан Россия давлат нефть ва газ университети жамоаси номидан Ўзбекистон халқини табриклашга, мустаҳкам соғлиқ, узок умр ва ижодий муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. Омад ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

**Г.В.Пеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси президенти, иқтисодий фанлари доктори, профессор Виталий Видяпин:**

— Аввало, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини мамлакат мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан чин қалбимдан табриқлайман.

Ўзбекистон азалдан бутун Марказий Осиёнинг маданий ва маърифий маркази ҳисобланади. Ушбу замандан жаҳон тарихида чуқур из қолдирган буюк шахслар етишиб чиққан. Ўзбекистон нафақат қудратли ва мустаҳкам ўзбек давлатчилигини барпо эта олган, шунингдек, умуминсоний аҳамиятга молик бўлган бебаҳо маънавий ва илмий қадриятларни яратиб, уларни сақлаб қола олган буюк давлат ва сиёсат аробларининг ватани. Ўзбек олимлари томонидан математика, фалақий соҳасида энг буюк кашфиётлар қилинган, чуқур фалсафий мушоҳадага йўрилган бетакрор шеърят яратилган. Ўзбекистоннинг тарихий қахрамонлари, сиёсатнинг бой эпосини қўлдошларидан ҳақида эса бутун дунё билади.

Илм-фан соҳаси ва мутахассислар тайёрлаш борасида янги авлодни биргаликда тарбиялаётганимиз учун бизнинг академиямиз Ўзбекистондан чексиз миннатдордир.

Россия иқтисодиёт академиясининг атиги иккита хорижий филиали мавжуд. Филиаллар айнан шунга муносиб бўлган жойда бўлмоғи лозим, деб ҳисоблаймиш. Мен авваламбор, Ўзбекистон раҳбарияти, Президент Ислам Каримовнинг шахсан саъй-ҳаракатлари ва ётбори туфайли ташкил этилган олий ўқув юртимизнинг Ўзбекистондаги филиалини назарда тутаяман.

Бугунги кунда академиянинг Тошкент филиали нафақат мутахассислар тайёрлаш борасида ўз вазифасини бажармоқда, балки икки биродар халқини бир-бирига яқинлаштириш ҳам хизмат қилмоқда.

**Сербия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Елица Курьяк:**

— Европа ва хусусан, Сербия Республикасида, Тошкент, унинг бой меъморийлиги ва кўнра тарихи ҳақида яхши биладилар. Биз Тошкентни нафақат ўзбекистоннинг пойтхати, балки бутун Марказий Осиёнинг маънавий, маданий ва тарихий маркази сифатида ҳам эътироф этамиш.

Мамлакатингизда бир вақтнинг ўзида икки йирик байрам — Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонланиши чуқур рамзий маъно касб этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон халқи ва мамлакат ҳукуматини ушбу қўлғу айёмлар билан самимий муборакбод этиб, халқингизга фаровонлик, бахт ва араванқ тилайман.

Маълумотим бўйича мен сиёсатшуносман, шунингдек, жаҳон тарихи билан ҳам шуғулланаман. Тошкент ҳамиша Марказий Осиёнинг маркази саналган ва шундай бўлиб қолади. Бу транзитчаларо муҳим транспорт қатнови ўтган шаҳардир.

Давлатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда яхши алоқалар ўрнатилганини қайд этишни истардим. Ишончим комилки, ушбу муносабатларимиз икки давлат равнақи йўлида келгусида ҳам ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораверади.

«Жаҳон» АА Д



**Спорт янгиликлари**

**ҲАМЮРТИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ**

**Канаданинг Дартмут шахрида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича уюштирилган жаҳон чемпионати ҳамюртимиз Вадим Меньковга муваффақият келтирди.**

Курраи заминнинг 75 та давлатидан келган спортчилар орасида Пекин Олимпиадаси иштирокчиси Вадим 1000 метрга каноэда эшак эшиш баҳсларида 3, 55, 947 натижа қайд этиб мутахассислару мухлисларнинг олқишига сазовор бўлган ҳолда жаҳон чемпиони деган шарафли ном эгасига айланди. Дартмут шахрида мохир спортчимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилди, мадҳиямиз янгради.

Жаҳон чемпионатида иккинчи ўрин франциялик Матъе Жубелга насиб этган бўлса, германиялик Сибастьян Брендель учинчи ўрин билан кифояланди.

Эслатиб ўтамиз, Пекин Олимпиадасида Вадим Меньков 1000 метрга эшак эшиш баҳсларида тўртинчи ўрин билан кифояланган, жорий йилда уюштирилган жаҳон кубогининг уч босқичли мусобақаларида муваффақиятли иштирок этган.

Биз ўзбекистонлик спорт мухлислари номидан ҳамюртимизга, «Баракалла, Вадим!» деб қоламиз ва унга келгуси мусобақаларда ҳам фақат омад ёр бўлишини тилаймиз.

**ҚОСИМЖОНОВ — ИККИНЧИ ЎРИНДА**

**Аввал хабар берганимиздек, Арманистоннинг Жермук шахрида шахмат бўйича уюштирилган ФИДЕ Гран-присининг бешинчи босқич мусобақаларининг еттинчи туридан сўнг ҳамюртимиз собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов иккинчи ўринга кўтарилиб олди.**

Олтинчи турда турнирда пешқадамлик қилаётган Левон Аронянни мағлубиятга учратган Рустам еттинчи турда украинлик гротмейстер Василий Иванчукка қарши донна сурди ва томонлар муроса йўлини танлашди.

Хозиргача ўтказилган еттинчи тур учрашувларидан кейин Аронян 5 очко билан биринчи ўринни, Қосимжонов ва Иванчук 4,5 очко билан иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаб туришибди.

**ГУЛНОЗАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ**

**Венгрия пойтахти Будапештда ёшлар ўртасида дзюдо бўйича уюштирилган жаҳон чемпионати ҳамюртимиз Гулноза Матниёзовага омад келтирди.**

Гап шундаки, курраи заминнинг кўпгина мамлакатларидан келган иқтидорли дзюдочилар билан гулболик учун кураш олиб борган Гулноза аввалига озарбойжонлик, сўнгра жазoirлик, жанубий кореялик, хорватиялик рақибларини мағлуб этди. Фақат финалда япониялик Мика Тасирога имкониятни бой берган Гулноза 63 килограмм вазнлилар орасида иккинчи ўринни эгаллади ва кумуш медаль билан тақдирланди. Энди Гулноза Матниёзова келгуси йили Сингапурда ёшлар ўртасида ўтказиладиган Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Ушбу турнирда 55 килограмм вазн тоифасида қатнашган ҳамюртимиз Мансур Мамажонов ҳам Сингапурга борадиган бўлди. Турнирда муваффақиятли иштирок этган Мансур ўз вазн тоифасида кучли беш нафар спортчи сафидан ўрин олди.

(Ўз мухбиримиз)

**ПРОФЕССИОНАЛЛАР БЕЛЛАШДИ**

Марғилон шахрида профессионал кикбоксингчилар ўртасида ўтказилган мусобақада ўз вазн тоифасида рақибларини мағлубиятга учратган Абдурахмон Қосимов, Икром Турғунов, Олимназар Ҳакимов, Ғайрат Машрапов ва Одил Холматов чемпионликка сазовор бўлди.

Боҳир БЕК



**Бўлғуси чемпионлар**

**Энг улғ ва энг азиз байрамимиз ҳамда Тошкент шахрининг 2200 йиллиги шодиёнларига қизгин тайёргарлик кўриляётган шу кунларда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга эътибор янада кучайтирилди.**

Бу борада амалга ошириляётган ишлар, кўриляётган чора-тадбирлар ҳақида Тошкент шахар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, полковник Ҳасан ДАДАХҲАЕВ ЎЗА мухбирига қуйдагиларни сўзлаб берди:

— Инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳаётини асраш масаласига юртимизда доимо устувор аҳамият бериб келинмоқда, — дейди Ҳ.ДадахҲаев. — Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан амалга ошириляётган кенг қамровли чора-тадбирлар, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини мунтазам тақомиллаштириш шу мақсадга хизмат қилади.

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан фойдаланиши тақиқлангани, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракати чоғида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилгани ҳам йўлларда хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўрнатилган теле ва видеомонитордан транспорт воситасини бошқариш пайтида фойдаланиш, шунингдек, транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўзбошимчалик билан шундай воситаларни ўрнатиш ҳам тақиқланди.

Бундай чора-тадбирлар ҳайдовчиларнинг чалғимаслигини таъминлаб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётди. Янги нусхадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари ва талони, шунингдек, янги миллий давлат рақами белгилари жорий этилгани халқро андозалар талабига тўла мос келади.

Мамлакатимизда йўллар- олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётди. Янги нусхадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари ва талони, шунингдек, янги миллий давлат рақами белгилари жорий этилгани халқро андозалар талабига тўла мос келади.

Айни пайтда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда нафақат ҳайдовчилар, балки пиёдалар, ай-

**ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИШ — ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ ГАРОВИ**

нинг кенг ва равонлигини таъминлаш юзасидан кўриляётган чора-тадбирлар ҳам ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Йўл ҳаракати қоидаларига оид белгилар ёрқинроқ акс эттирилмоқда. Бу фуқароларимизга яратилган қулайлик бўлиши билан бирга, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Байрамлар арафасида пойтахтимиз бўйлаб бу ишларга эътибор янада кучайтирилди. Ҳаракат хавфсизлиги қоидалари билан боғлиқ йўл белгилари, хавфсизлик воситалари, ётиқ чизиклар яна бир бор кўридан ўтказилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, кўчаларга тўрт юзга яқин янги йўл белгилари ўрнатилиб, тўрт мингга яқини таъмирдан чиқарилди. Марказий кўчалар-

ниқса, балалар ўртасида профилактик тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки йўл қоидадини барча яхши билиши ва уларга тўла амал қилиши зарур. Шунинг учун давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари нафақат кўчаларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя этишини назорат қилиш билан машғул, балки ўқув муассасаларида, жамоат жойларида, маҳалла, корхона ва ташкилотларда кенг кўламли тарғибот ишларини ҳам олиб бормоқда.

Болаларнинг қизиқишларини инобатга олиб, мактабларда «Ҳаракат хавфсизлиги ёш инспекторлари» клублари, «Ёш автонazorатчилар» гуруҳлари ташкил этилган. Шунингдек, «Диққат, болалар!», «Таътил», «Диққат, пиёда!», «Яшил чирок» каби

тадбирлар ёшларга йўл қоидаларини қизиқarli мисоллар билан тушунтиришда қўл келмоқда.

Аммо шунга қарамай, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига беписанд муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Йўлларда транспорт воситалари қатнови йилдан-йил гавжумлашиб бораётгани йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишни тақозо этади. Гоҳ ҳайдовчи, гоҳ пиёдаларнинг айби билан турли йўл-транспорт ҳодисалари содир бўляётгани ҳам ана шу қоидаларга амал қилмаслик, масъулиятсизлик натижасидир. Баъзи ҳайдовчилар рулга ўтирар экан, нафақат ўзи, балки машина салонидagi бошқа кишилар, ён-атрофдагилар ҳаёти учун ҳам масъул эканини чуқур ҳис этмайди. Шу йилнинг ўтган даврида шахримизда 730 мингдан зиёд қоидабузарлик аниқлангани ҳам буни тасдиқлайди. Вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли қанчадан-қанча йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олинди.

Кейинги пайтда бошқарма томонидан чорраҳалар, транспорт қатнови тизим йўлларни назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўчаларнинг муайян қисмларига бириктирилган масъул шахслар масъулиятини мунтазам ошириш яхши самара бермоқда. Шу йилнинг ўтган етти ойи давомида йўл-транспорт ҳодисалари сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 255 тага камайгани бунга тасдиқлайди.

Йўлларда инсон ҳаёти, хавфсизлигини асраш — соҳа ходимларининг бош мақсади. Саъй-ҳаракатларимиз самарадорлиги кўп жиҳатдан бутун жамоатчилик, ҳар бир фуқаронинг бу ишлардаги фаол иштирокига ҳам боғлиқдир.

**ЎЗА мухбири НОРГУЛ АБДУРАЙМОВА ёзди.**

**ҲАР ТЎҒРИДА**

миллиондан ортиқ аёл шу ном билан аталади. Швецияда 300 мингдан ортиқ одам Карлсон фамилиясига эга.

● 2738 йилнинг 28 ноябрида эраимиз бошланганига миллион кун тўлади.

● Ҳар иккинчи америкалик талаба 40 ёшга етганида миллионер бўлиш учун ҳаракат қилади.

● Ҳар куни жаҳонда 33 та янги маҳсулот пайдо бўлади. Улардан 13 таси ўйинчоқлардир. Халқро савдода энг кўп сотиладиган маҳсулот бу бензиндир. Кофе эса иккинчи ўринда туради.

● Турли хил давлатлар аҳолиси-

нинг бир кунда телевизор кўриш вақти Германияда — 182 дақиқа, Францияда — 185, Англияда — 212, Россияда — 224, АҚШда — 238, Мексикада — 239 ва энг кўпи Японияда — 240 дақиқа.

● Қадим Хитой алломаларининг таъкидлашларича, авлиёлар чалқанча ётиб, гуноҳкорлар қорнида ухлашаркан. Шунингдек, шоҳлар ўнг ёнбошида, донолар эса чап ёнбошида ором оларкан.

● XX аср бошида дунёда 360 та катта шахар (аҳолиси 1 000 000 кишидан ортиқ) бўлган. Аср ниҳоясида эса йирик шахарлар сони 2,5 мингтадан ошган.



**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ**

**ҲИКМАТЛАР**

**ФУРҚАТ**

Мажлисеким, бўлмаса ҳамсуҳбатинг аҳли шуур, Ёки беёру ҳарифе жому саҳбодур галат.

\*\*\*

Маҳв айланг ул хатеким, анда маъни бўлмаса, Они тақрире берибон, расми имлодур галат.

\*\*\*

Бўлма улфат ул палиди мабади дунёғаким, Истамоғлиғ банг ишидин нашъа қатъодур галат.

\*\*\*

Истасанг бўлмоқ саройи охиратда сарбаланд, Ўзни кам тут, кеч бу дунё иззатидин, хор бўл.

\*\*\*

Зоҳироро бўлмағил, умр ўткариб гафлат била, Қил сафойи қалб ҳосил, воқифи асрор бўл.

\*\*\*

Даҳр гулзорида хушдир яхши таъмири бисот, Гар хазондин гарди ҳодис анда пайдо бўлмаса.

\*\*\*

Хок бўлсун ул танеким, ишқ ўтида куймаса, Зерипо бўлсун сареким, анда савдо бўлмаса.

\*\*\*

Кимеки чарбзобон ўлди даҳр маҳфилида Ба сони шамъ ҳамиша бурида сар кўрдим.

\*\*\*

Малоҳат аҳликим, ҳар доим гадойи лутф эди, Аларни охирул-амр гадойи дар кўрдим.

\*\*\*

Фалак ажусасидин меҳр тутма, кўр, Фурқат — Ки, одам ўғлига мудом кинавар кўрдим.

\*\*\*

Бўлса ҳар ким жаҳонда ширинком, Тотгай охир бирор аччиғидин.

\*\*\*

Бу жаҳон раъносиға ҳар ким вафо Қилса кўрмайдур бажуз жавру жафо.

\*\*\*

Умр қарори йўқ, чунон барқи гузар ўтар-кетар, Даҳр мадори ҳам яна мисли шарар ўтар-кетар.

\*\*\*

Асли хунар будур: кўруб боқма кишини(нг) айбиға, На сенда ул қолур ва на айби хунар ўтар-кетар.

**ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!**

Давлат унитар корхонаси «Сувсоз» трести Сиздан шахримиз кўчаларидаги сув тармоқларида носозликларни сезсангиз, қуйдаги телефон рақамларига мурожаат қилишингизни сўрайди. 252-60-08, 252-55-78, 256-10-95, 054.



**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Эълонар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шахар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2862 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.